VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

25 (190) ● 2012 йил 27 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



*ҚОНУН лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Солиқ ва Жиноят-ижроия кодексларига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.*



*СЎНГГИ йилларда мамлакатимизда ҳунармандлар ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларга қатор имтиёз ва имкониятлар берилди. Қувонарлиси, қадриятларимиз давомчилари турли солиқ ва тўловлардан озод этилди.*



*«ҚИЗИЛ КИТОБ»га киритилган ўсимлик турларининг тақдири билан соҳа мутахассислари, олимлар мунтазам равишда шуғулланиб келишади. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони анча кенгайганлигини кўрсатди.*

2 СИЁСАТ

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

8 НИГОҲ

## ХАБАРЛАР

### Энг саралар финалда

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасида "Келажак овози-2012" иқтидорли ёшлар танловининг саралаш босқичларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда маданият ва санъат вакиллари, олимлар, экспертлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди. Анжуманда таъкидланганидек, бу йилги танлов республикамизнинг чекка қишлоқ жойларида ҳам кенг миқёсда ўтказилган. Жорий йилда танловда иштирок этиш учун жами 79 минг 354 та ариза келиб тушган. Иккинчи босқич ғолибларига айланган 600 нафардан ортиқ йигит-қизлар танловнинг шу йил декабрь ойида ўтказиладиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

### Журналистлар учун медиатур

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "ЭКОСАН" халқаро фонди ва "Чинор" экологик нашриёт компанияси томонидан Ҳисор қўриқхонасига медиатур ташкил этилди.**

"Жамоатчиликни атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш борасида бохабарлигини ошириш" лойиҳаси ҳамда "Қоплон 2012" республика танлови доирасида ташкил қилинган медиатур иштирокчилари Ҳисор қўриқхонасининг илмий ходимлари, инспекторлар ва бошқа мутахассислар билан учрашиб суҳбатлашиш, уларнинг фаолияти билан жойида танишиш имконига эга бўлишди.

### Ойдинда юрган одамлар

**Ўзбек Миллий академик драма театрида "Дебют-2012" ёш режиссёрлар республика кўрик-фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиев театр санъатида ёш истеъдодли режиссёрлар, замонавий ва миллий менталитетимизга мос саҳна асарлари кўпаяётганини таъкидлаб ўтди. Фестивални биринчилардан бўлиб Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" асари асосида режиссёр Нигора Исмоилова томонидан саҳналаштирилган спектакль билан бошлаб берди. Фестиваль шу йилнинг 28 июнига қадар давом этади.

## ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



# Йўл ҳаракати хавфсизлиги

**ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.***

Йиғилишда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорларига асосан тайёрланган.

2-бет

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ

# Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

**МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДПДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ**

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури" қабул қилинган эди. Ушбу Дастур мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада юксалишини таъминлашга қаратилган.***

Мазкур дастур ижроси ўз навбатида сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу жараёнда, айниқса, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи вакиллари алоҳида ўрин тутади. Жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг VII-пленумида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ишини тубдан кучайтириш мақсадида, шунингдек, партия электорати манфаатлари ва дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда жойлардаги партия депутатлик гуруҳлари олдига "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш, "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ҳамда "Ҳудудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзуларида маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус билан чиқиш тавсия қилинган эди.

4-бет

## АЁЛЛАР ҚАНОТИ

# Донолик ва ташаббускорлик

**ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ўтказилаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги йирик лойиҳаларидан бири саналади. Анъанага айланган мазкур танлов, мана қарийб тўрт йилдирки, мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан янги истеъдод эгаларини кашф этиш, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий етакчиларни шакллантириш, шунингдек, уларнинг жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш каби мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилмоқда. Айни кунларда мазкур нуфузли кўрик-танловнинг вилоят босқичлари ниҳоясига етди.***



Жиззах вилоятида ўтган йиллар давомида ушбу кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 250 нафардан зиёд хотин-қизлар қатнашди, энг муҳими, улар орасидан талай истеъдод эгалари, ташаббускор хотин-қизлар кашф этилди. Қувонарлиси, ўтган йили Жиззах вилояти вакили танловнинг республика босқичида мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

3-бет

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

***Самарқандда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика Марказий банки ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида амалий семинар ўтказилди.***

# Миллий ҳунармандчилик

**ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИДА АКС ЭТГАН УШБУ СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҲУНАРМАНДЛАРГА 470 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ТАКДИМ ЭТИЛДИ**

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



## Йўл ҳаракати хавфсизлиги

### ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Солиқ ва Жиноят-ижроия кодексларига, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини маъқулладилар.

Фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Кодексга Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)нинг тавсиялари асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унинг асосий мазмуни авиация соҳасида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан муносабатларини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ ташкил этишдан иборатдир. Мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирган депутатлар бугунги кунда мамлакатимизда авиация соҳаси жадал ривожланаётганини, ушбу кодексга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида юртимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлишини таъкидладилар. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Депутатлар "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ҳамда таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилаб, транспорт воситалари ва уларнинг жиҳозлари, автомобиль йўлларининг техник ҳолатига бўлган талабларни янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

***Акмал РАҲМОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Бугун фракция томонидан муҳокама этилган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юртимизда, шунингдек, бошқа давлатларда йўл ҳаракати соҳасида эришилган тажрибаларни умумлаштириш асосида тайёрланган бўлиб, амалдаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уни бир қатор янги моддалар билан тўлдиришни назарда тутади.

Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан, қонун лойиҳаси «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки» деб номланган янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доирасида техник регламент, стандарт, норма, қоида ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ташкилий тадбирларни ўтказиш юзасидан давлат ҳокимияти маҳаллий органларига, ваколатли давлат идораларига таклиф киритиш ҳуқуқлари берилмоқда. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама этиб, бир овоздан маъқулладилар.

**Эргаш ХЎЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

ДАВРА СУҲБАТИ

## Партия нашрлари

### ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

***Бугунги кунда юртимизда давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш борасида кенг кўламли изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Ана шундай кенг қамровли демократик ўзгаришларда партияларнинг матбуот нашрлари ҳам алоҳида ўрин тутади.***

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида партия нашрлари самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия нашрлари ижодий жамоаси, олимлар, мутахассислар, экспертлар ва сиёсий партиялар фаоллари, "Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сиёсий партиялар нашрлари фаолияти, энг аввало, партия дастури ва ғоялари тарғиботига, давлатнинг долзарб ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича партия позициясини ифода этишга қаратилмоғи лозим. Шунингдек, улар фаолиятида сиёсий партиялар электорати ва сайловчиларнинг партияга бўлган ишончини ошириш, партия электоратини қизиқтирувчи ижтимоий-иқтисодий масалаларни аниқлаш каби вазифалар ечими ҳам акс этиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда жорий йилнинг ўтган даврида партия нашрлари фаолияти юзасидан ФЖШМҚМИ мутахассислари томонидан тайёрланган рейтингга оид маълумотлар тақдим этилди.

Партия нашрлари рейтингини белгилашда газеталарнинг ўқувчилари ва партия фаоллари орасидаги обрўси, хусусан, нашр тиражи, унинг партия аъзолари бошланғич ташкилотлари сонига бўлган нисбати ҳисобга олинган. Ўқувчиларнинг партия нашри редакциясига мурожаатлари сони, маълум вақт давомида нашр сайтига кириши ҳам эътибордан четда қолмаган. Шунингдек, партия нашрининг журналистик доиралардаги машҳурлик даражаси, интернет тармоғидаги ахборот агентликлари томонидан иқтибос келтириши каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди.

Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича мамлакатимизда фаолият юритаётган ЎзХДПнинг "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана", ЎзЛиДеПнинг "XXI asr", ЎзМТДПнинг "Миллий тикланиш", Адолат СДПнинг "Адолат" газеталари ичида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси нашри — "Миллий тикланиш" газетаси энг юқори рейтинг кўрсаткичини қўлга киритиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан партия нашрлари бош муҳаррирлари тақдим этилган маълумотларнинг кенг қамровлилигига эътибор қаратишди. Бу ўз навбатида нашрлар иши самарадорлигини ошириш, партия аъзолари ва тарафдорлари билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга ундашини таъкидлашди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан медиа соҳаси ва партия нашрлари мутахассислари билан конструктив ва узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш бўйича қарор қабул қилинди. Шунингдек, уларнинг мамлакат медиа маконидаги рақобатбардошлилигини кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, ЎзМТДП МК ИҚ девони етакчи мутахассиси**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Депутат фаолияти

### ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИГА УЙҒУН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорликда* **"Жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг ўрни"** *мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят минтақавий бўлинмаси ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Ўқув-семинарни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати О.Очилова Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция талаблари асосида ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг ҳар томонлама ташаббускорлигини ошириш бугунги кун талаблари асосида давом эттириш ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, нотиқ маҳаллий Кенгашлар депутатларини амалдаги қонунлар, Президент асарлари, фармонлари, қарорлари ва партия ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан узлуксиз таништириб бориш учун ана шундай ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари С.Махматмўминов маъруза қилди. Маърузачи таъкидлаганидек, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва уни аҳоли онгига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб билган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси парламент ва маҳаллий кенгашлардаги ўз вакиллари орқали жамиятда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Семинарда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ў.Ҳаитов, партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, қонунчилик йўналишида парламент ва депутатлик назорати ишлари, жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш бўйича кенг кўламли фаолият олиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

— Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари, маҳаллий кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддаоларини рўёбга чиқаришга қаратилган турли масалаларни киритиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа йўналишларда фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда, - деди нотиқ. — Бу, ўз навбатида, партия ғояси ва мақсадлари аҳолининг турли қатламлари орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланиш, бир сўз билан айтганда, электорат манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларга асосланган иш олиб боришда муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бу йўналишда самарадорликка эришиш партия томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки, улар бевосита халқ орасида яшаб, одамларни, хусусан, партия ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала ва муаммолар ўйлантираётганини чуқур ҳис этишади.

Ўқув-семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эканига тадбирда алоҳида урғу берилди. Унда маъруза қилганлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асослар, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги, ЎзМТДПнинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари, депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига партия ғояларига ҳамоҳанг ва электорат манфаатларига қаратилган масалаларни олиб чиқиш, жойларда депутатлик сўровини ўтказиш каби жиҳатларга эътибор қаратишди.

Семинар якунида ЎзМТДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишда ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Абдулла НАБИЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

## Маҳаллий Кенгаш депутатлари

### ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — САЙЛОВЧИ ТАЛАБИ

***Вақт шу қадар шиддат билан одимламоқдаки, у ҳар биримиздан тезкорлик ва холисликни, кундалик ҳодиса ва янгиликлардан яхши хабардор бўлишимизни тақозо этмоқда. Ҳар жабҳада бир ўзгариш, янгиланиш кузатилаётган айни кезларда юртдошларимизнинг сиёсий тафаккури, ҳуқуқий дунёқараши, юртда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғусининг ортгани албатта қувонарлидир.***

Навбаҳор тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуд саналади. Туманда 93 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби мазкур ҳудудда ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Тошрабод, Шўртепа, Байхо мавзеларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, туман марказидаги 11-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби, туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги юқумли касалликлар бўлими, ҳомийлар ёрдамида бунёд этилган 20-сон умумтаълим мактаби қурилиб фойдаланишга топширилиши юқоридаги фикрларимизнинг исботидир. Яқингача фақат пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб келаётган фермерлар эндиликда бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш орқали даромадларини кўпайтириб, қайта ишлаш кичик корхоналарини барпо этмоқдалар.

Маълумки, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" юртимиз ҳаётида тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди. Жамиятимизни эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида муҳим бир дастуриламал вазифасини ўтаётган мазкур Концепция мавжуд сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлардан ҳам қалбан уйғоқликни, сиёсий фаоллик ва ташаббускорликни талаб этмоқда.

Хўш, юртда кечаётган мана шундай ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида Халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги депутатларнинг ташаббускорлиги қай даражада? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида туман ҳокимлигининг ташкилий назорат бўлими воситасида депутатлар фаолиятига оид ҳужжатларни кўздан кечирдик.

Маълумотларга кўра, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашида 30 нафар депутат фаолият юритмоқда. Уларнинг 8 нафари ЎзХДПдан сайланган. Дарвоқе, мазкур туман ҳокими ҳам туман кенгаши депутатлигига ЎзХДПдан сайланган.

Жорий йилнинг 16 февраль куни ўтказилган Халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашининг XIV сессиясида 4 та масала муҳокама этилган. Йиғилишда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой массивларини барпо этишнинг ижроси ҳамда қишлоқлар инфратузилмаси (ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ тармоқлари)ни ривожлантириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинган. Бироқ сессияда мавжуд партиялар депутатлик гуруҳлари партия ижтимоий қатлами манфаатларига қаратилган бирорта ҳам ташаббус кўрсатмаган. Яъни, туман Кенгаши сессиясида кўрилган масалага Навбаҳор туман Кенгашидаги депутатлар жиддий ёндашмаяпти, дейиш мумкин. Нега? Уларга нима тўсқинлик қилмоқда?

Шу ўринда савол туғилади. Ўз сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган ЎзХДПдан сайланган депутатларда нима сабабдан ташаббускорлик ва фаоллик етишмаяпти? Ваҳоланки мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор қонунлар, қарорлар ва Давлат дастурлари қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида сайловчиларни ўйлантираётган мавжуд муаммоларини бартараф этишда ЎзХДПдан сайланган туман Кенгаши депутатлари фаоллик кўрсатишлари керак эмасми?

Ўрни келганда 2011 йил давомида бўлиб ўтган 5 та сессия давомида ХДПдан сайланган депутатлар сайловчилар манфаатларини ифодаловчи таклиф ёки ташаббус билан чиқишмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, туман Кенгаши сессияларида ва мутасадди ташкилотлар йиғилишларида ҳудудда ЎзМТДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинган. Афсуски, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларимизда ҳам фаоллик ва ташаббускорлик етарли, деб бўлмайди.

**Маълумотларга кўра, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашида 30 нафар депутат фаолият юритмоқда. Уларнинг 8 нафари ЎзХДПдан сайланган. Дарвоқе, мазкур туман ҳокими ҳам туман кенгаши депутатлигига ЎзХДПдан сайланган.**

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вақт шиддат билан одимламоқда. Сайловдан-сайловгача бўлган муддат ҳам тобора қисқариб бормоқда. Сайловчи ишончини оқлаш катта шараф ва масъулият эканлигини англаш, ўтаётган ҳар бир кун ва сониядан унумли фойдаланиш лозимлигини ҳис этиш ва интилиш депутатлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу — бугунги сайловчининг талаби.

**Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЁШЛАР ҚАНОТИ

## Президент асари

### НАВҚИРОН АВЛОД МУШОҲАДАСИДА

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарини чуқур ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб этиш мақсадида жойларда кўплаб маънавий-маърифий тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилди.*

Тадбирларда сўзга чиққанлар “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари яқин ўтмишимизнинг мураккаб, тарихий-сиёсий босқичлари, жумладан, ғоят таҳликали бир вазиятда республика раҳбари сифатида иш бошлаган Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни чуқур инқироздан олиб чиқишдаги матонати ҳамда истиқлол сари бошланган саъй-ҳаракатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу асарнинг келажагимиз эгалари бўлган ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этиши, китобни ўқиган ҳар бир ўғил-қиз қалбида мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бугунги ёруғ, дориломон кунлар қадрига етиш ва юртга содиқ, муносиб фарзандлар бўлиб камол топишларини таъминлаши алоҳида қайд этилди.

Анжуманда қатнашган ёшлар ушбу китобнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, уни жойларда тарғиб этиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

***Абдурашид АБДУҚОДИРОВ, Сирдарё тиббиёт коллежи директори:***

— Асарда мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яққол тасвирланган. Ана шундай оғир йилларда иш бошлаган республикамиз раҳбарининг Ўзбекистон келажаги, айниқса, ёш авлоднинг ёруғ истиқболига катта эътибор қаратиб, ишонч билдиргани муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари 1990 йилда республикамизда илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби ачинарли аҳволга тушиб қолганлигини ва 1700 та мактаб биноси авария ҳолатида эканлигига катта эътибор қаратади ҳамда келажакда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиш ғоясини ўртага ташлайди. Айтиш мумкинки, мазкур китоб мамлакатимиз мустақиллик тарихининг беқиёс манбаи бўлиб, юртимиз ёшлари учун тарихнинг кўплаб қирраларини янада чуқурроқ англаб, тушунишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилди. Уларнинг соғлом, баркамол, етук инсонлар сифатида вояга етишишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳозир юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида эртамиз эгаларининг келажагига бўлган эътибор ётибди, десак, муболаға бўлмас.

***Нодира ҚУРБОБОЕВА, тадбир иштирокчиси:***

— Китобни ўқир эканмиз, мустақиллик осонликча қўлга киритилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Мамлакатимизнинг оғир ва мураккаб кечган йилларида давлатимиз раҳбари ҳар томонлама пухта ўйланган ва доно сиёсатни олиб борганлигига амин бўлдик. Ўша оғир шароитларда Давлатимиз раҳбарининг катта жасорат кўрсатганлиги бизни ҳаяжон ва ҳайратга солади.

***Адҳам ПАРДАБОЕВ, тадбир иштирокчиси:***

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари биз ёшларнинг юрагидан чуқур жой эгаллади. Асар бизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва тарихий дунёқарашимизни янада кенгайтирди. Қалбимизда мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, она-юртни қадрлаш туйғуларини оширди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● ҚУЙИ БЎҒИН

*Ҳозирги даврда ривожланган давлатларнинг сиёсий ҳаёти мураккаб ва серқирра бўлиб, унда кўп сонли иштирокчилар мавжуд. Улар орасида сиёсий партиялар энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бугунги кунга келиб, сиёсий партиялар дунёнинг ривожланган давлатларида халқ билан ҳокимият ўртасида асосий бўғин бўлган демократик институтга айланмоқда. Улар жамиятдаги муайян бир ижтимоий гуруҳ, гоҳида аҳоли қатламларининг катта бир қисми манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳокимиятга интилиб келмоқда.*

## Сиёсий партиялар

### ФАОЛИЯТИДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

2010 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” номли маърузада “Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак” дея таъкидланган эди. Қолаверса, парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция сиёсий партиялар зиммасига бир қатор масъулиятли вазифаларни юклади.

Шу боис сиёсий партиялар бугунги кун талабидан келиб чиқиб, фаолият юритиши, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиши ва уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш юзасидан таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқишлари лозим. Бунда партия ижтимоий қатламига энг яқин бўғин — бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан партиялар қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш, партия ташкилотлари, депутатлари, депутатлик гуруҳлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида қатор саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БПТлар ўз ваколатлари доирасида иш кўришда мустақил бўлиб, барча масалалар юзасидан мулоҳаза ва таклифларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, қуйи бўғин партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ҳамда амалдаги қонунлар, ҳукумат қарорлари ижросини жойларда таъминлаш, тарғиб қилишда халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатларининг асосий ёрдамчи кучи саналади.

Кези келганда айтиш жоизки, бугунги кунда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти, туман ва шаҳарларида 54 минг 525 нафар партия аъзосини бирлаштирган 2 минг 10 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Мазкур БПТлар жамоатчилик асосида фаолият юритишига қарамай, ишни самарали ташкил этгани, қувонарли, албатта. Мисол сифатида Қибрай, Зангиота, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари ва Чирчиқ шаҳрида мавжуд БПТларни яхши фаолият кўрсатаётган қуйи бўғинлар сирасига киритиш мумкин. Бироқ, бу билан вилоятдаги барча қуйи бўғинлар фаолиятини ижобий, деб бўлмайди. Бунинг учун бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, ҳудудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашидаги депутатлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозим.

Мухтасар айтганда, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш нафақат партиялар нуфузини аҳоли ўртасида мустаҳкамлайди, балки юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида жамоатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириб, ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга даъват этади.

**Бахриддин ХОЛБЎТАЕВ,**
**Тўлқин АЛИҚУЛОВ,**
**ФЖШМҚМИ Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси мутахассислари**

● 168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Миллий тикланиш ғояси ва мафкураси

### ЖОЙЛАРДА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

#### АНДИЖОН

Аввал хабар берганимиздек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан “Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси” Республика кўрик-танлови эълон қилинган эди. Айни кунларда мазкур кўрик-танловнинг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. Танловнинг Бўз туман босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Танлов қоидаларига кўра, биринчи шарт юзасидан ҳар бир иштирокчи 25 тадан тест саволларига жавоб бериб, интеллектуал салоҳиятини намоён этди. Иккинчи шартда эса иштирокчилар ўзларининг юртимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, шунингдек, партия фаолияти кенг ёритилган ижодий, илмий-оммабоп мақолаларини таҳлил қилиб бердилар. Сўнгги шарт суҳбат шаклида ўтказилиб, унда қатнашчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, партия фаолияти юзасидан саволлар берилди ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, “Бўз ҳаёти” газетасининг муҳаррири А.Қувватов қўлга киритди.

— Ушбу кўрик-танлов фаолиятимга танқидий ва таҳлилий назар солиш, уни ривожлантириш ҳамда партия сафида туриб амалга оширишим керак бўлган вазифаларни янада чуқурроқ англашимга туртки бўлди, - деди А.Қувватов. — Партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бугун ҳар бир партия аъзоси ҳамда фаоллари олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Мазкур танлов ҳам ана шундай мақсадларни кўзлаганлиги билан аҳамиятлидир.

#### БУХОРО

Мазкур кўрик-танловнинг Олот туман босқичи ҳам ҳақиқий билимдонлик ва нотиқлик баҳсига айланди. Унда ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” ва БПТ етакчилари, “Чорбоғ” ҚФЙ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Олот туман Кенгаши раиси ўринбосари Ғ.Нарзуллаев мазкур кўрик-танлов воситасида ёшлар орасидан тарғиботчи ва ҳақиқий истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий-сиёсий маданиятини юксалтириш ҳамда ёш авлод вакилларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имконият яратишга кўмаклашишни партия ўз олдига мақсад қилиб қўйганини алоҳида таъкидлади.

3 та шартдан иборат кўрик-танловнинг биринчи шарти бўйича иштирокчилар ўз маҳоратлари ва ҳуқуқий саводхонликларини ишга солиб, 15 дақиқа ичида 25 тадан тест саволларига жавоб бердилар. Иккинчи шарт бўйича иштирокчилар ўзларининг танлов комиссиясига тақдим қилинган юртимиздаги сиёсий иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, шунингдек, партия фаолияти ёритилган мақолаларини таҳлил қилишди. Учинчи шарт бўйича суҳбат ва саволлар асосида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди. Тадбир ғолибларига партия вилоят Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

#### НАМАНГАН

Мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларни юксак тафаккур ва салоҳият эгаси ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Бундай эзгу ишларга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ЎзМТДПнинг вилоят, туман Кенгашларида ташкил этилаётган тадбир, семинар ва давра суҳбатларининг асосий негизини ёшлар мавзуси ташкил этмоқда.

ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган шаҳар бўлими Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилоят минтақавий бўлинмаси ҳамкорлигида “Ёшларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш — давр талаби” мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимиз ёшлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий етакчилик қобилиятини шакллантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш жамият ҳаётининг муҳим талабидир. Зеро, эртанги кунни бугунги давр ёшлари барпо этади.

Тадбир иштирокчиларига ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари, “Ёшлар қаноти” фаолияти, “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тадбир, кўрик-танлов ва лойиҳалар моҳияти ҳақида тушунча берилди. Таъкидландики, бугунги кунда вилоятда партия аъзолари 5135 нафарни ташкил этиб, уларнинг 2162 нафари “Ёшлар қаноти” аъзоларидир. ЎзМТДП мақсад ва вазифалари, ғояларини кенг тарғиб қилишда ҳар жиҳатдан фаол ёшларига суянади. Ўсиб келаётган авлодни ватанга садоқатли, маънан баркамол бўлиб вояга етишишига ҳисса қўшиш, уларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш, шунингдек, сиёсий етук, фаол ёшларни партия сафига жалб қилишда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Қизиқарли савол-жавобларга бой бўлган семинар-тренинг иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

#### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Миришкор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнида ЎзМТДП олдида турган муҳим вазифалар” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан партиянинг Миришкор туман Кенгаши раиси Й.Очилов тумандаги қишлоқ ва маҳаллалар сиёсий партиялар билан ҳамкорликда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш, жойларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, жамоат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли орасида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда истиқлол йилларида бетакрор тарихий меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, фуқароларнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари асосида олиб бориши, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини тушунтириш бўйича семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Тадбирда ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари, тумандаги “Помуқ” ҚФЙ ҳамда “Баҳористон”, “Игначи”, “Янги қишлоқ”, “Малла” ва “Махтумқули” МФЙ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ




## Донолик ва ташаббускорлик

### ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов доирасида вилоят Ўлкашунослик музейининг бетакрор экспонатлари, вилоят “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари томонидан миллийлик ва замонавийликнинг энг нодир жиҳатлари уйғунлаштирилган ҳолда тайёрланган буюмлар кўргазмаси тадбир иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида, эришилаётган ютуқларда хотин-қизлар иштироки ва ташаббусини кўриб ҳамда сезиб турибмиз, - деди танлов қатнашчиси, Зафаробод тумани вакили Дилбар Дўстова. — ЎзМТДП МК “Аёллар қаноти” томонидан ўтказилаётган мазкур танлов ҳам бизнинг имконият ва ташаббусларимизни илгари суришда муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, воҳадаги фольклор-этнографик гуруҳлар, 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг гўзал мусиқий чиқишлари тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Якунда ғолиблик барча шартларни муваффақиятли бажарган Дўстлик туман вакиласи Дилрабо Холматовага насиб этди ва у танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

* * *

Жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадига қаратилган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” номли республика кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи ҳам қизғин беллашувлар остида ўтди.

Навоий вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Анора Бобомуродова танлов аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янгиликка интилувчан ёш хотин-қизларнинг интелектуал салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Иштирокчилар “Ўзини таништириш маҳорати” шарти бўйича ўзлари ҳақида маълумот бериб ўтган бўлсалар, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонликлари савол-жавобларда аниқланди. Шунингдек, “Агар мен депутат бўлсам...” шартида иштирокчилар ҳакамлар ҳайъатига ўзларининг сиёсий соҳадаги қарашларини, депутатлик фаолияти давомида амалга ошириладиган кенг кўламли ишлар режасини тақдим этдилар.

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Дилшода Воҳидова ғолиб, деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг Хоразм вилояти, шаҳар ва туман босқичларида иштирок этган 100 нафарга яқин хотин-қизлар ўз сиёсий билим ва иқтидорларини намойиш қилдилар ва ғолиб бўлган 9 нафар иштирокчи вилоят босқичида ўзаро куч синашди.

Тадбирни ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Баҳодир Бобожонов кириш сўзи билан очиб, кўрик-танлов нуфузи йил сайин ортиб бораётганини таъкидлади.

— Ушбу кўрик-танлов аёлларни доимий фаолликка, жамият тараққиётига муносиб улуш қўшишга чорламоқда, - деди партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Дилбар Бекжонова. — Зеро, бугуннинг аёли нафақат она, уй бекаси, балки тадбиркор, раҳбар, ёрқин истеъдод соҳиби. Танлов ғолибларини аниқлашда қизларнинг кийиниш маданияти, саҳнада ўзини тутиши, сиёсий билимдонлиги, ташаббускорлиги ва дунёқарашининг кенглиги, ўз мақсадини рўёбга чиқариш учун шижоат билан ҳаракат қилиши эътиборга олинди.

Кўрик-танловнинг “Агар мен депутат бўлсам” шарти қизиқарли кечди. Қўшкўпирлик Муҳаббат Авезованинг сайловолди дастурида соғлом оилани шакллантириш масаласига алоҳида урғу берилгани иштирокчилар олқишига сазовор бўлди. У оила мустаҳкамлигини таъминлашга нафақат оила вакиллари, балки бутун жамият масъуллигини, шу боис бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, оила барқарорлигини таъминлаш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Танловда ўзининг равон нутқи, фикрларини тўла ва тўғри ифодалаши билан берилган саволларга аниқ жавоб қайтарган янгибозорлик Юлдуз Вафоева биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

* * *

Кўрик-танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи билимдонлик ва донолик беллашувига айланиб кетди. Унда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” етакчилари иштирок этди.

Танловда иштирокчилар барча шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Тадбирда иштирокчиларнинг сиёсий билимлари ҳамда жамиятда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жараёнларга бўлган муносабатлари яққол намоён бўлди.

Танлов сўнггида биринчи ўринга ЎзМТДП Термиз шаҳар Кенгаши иштирокчиси Зарина Амантурдиева лойиқ деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

* * *

Кўрик-танловнинг Тошкент вилоят босқичига ташриф буюрганлар доно ва ташаббускор хотин-қизлар баҳсини кузатишди, дейиш мумкин. Тадбир авалида Тошкент вилоят “Ҳунарманд” уюшмасининг моҳир ҳунармандлари томонидан яратилган ижод намуналари кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилояти Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Б.Абдураҳмонов кўрик-танлов мамлакатимизда юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириб, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва партия захирасини сиёсий етук аёллар билан тўлдириш, шунингдек, партия аъзоларининг сайлов тизими ва қонунчилик билан боғлиқ билимларини, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Танлов шартларини ижобий натижалар билан бажарган партиянинг Ўртачирчиқ туман Кенгаши вакили Дурдона Абдураҳимова ғолиб, деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

***Дурдона АБДУРАҲИМОВА, кўрик-танлов ғолиби:***

— Кўрик-танловдан таассуротларим чексиз. Чунки танлов баҳонасида бир-биридан билимли, доно ва ақлли дўстлар орттирдим. Тайёргарлик жараёнида ўрганганларим эса келгуси ҳаёт йўлимда, иш фаолиятимда йўлчи юлдуз бўлиши, шубҳасиз. Зеро, ёшлик шижоати ила босилган қадам келажакда янги марралар томон чорлашига бугун ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз.

* * *

Шунингдек, мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, ғолиблар республика босқичига жиддий тайёргарликни бошлаб юбордилар.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбирлари**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Тўй-ҳашамлар ихчам бўлсин

### ЯНГИ ҚАРОРДА АНА ШУНДАЙ МАҚСАД МУЖАССАМЛАШГАН

***Тўй муайян шахс ҳаётидаги шахсий тадбиргина бўлиб қолмай, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик маданий ҳодисадир. Шу боисдан мазкур тадбирни миллий қадрият, урф-одатларимизга таяниб, анъана ва удумларимиздан самарали фойдаланган ҳолда замон талаблари асосида, кўпроқ унинг маънавий-тарбиявий жиҳатига эътибор бериб уюштириш муҳим аҳамият касб этади.***

Афсуски, бугунги айрим тўй ва маросимларимиз ҳам маънавиятимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизга мос, деб бўлмайди. Халқимизнинг азалий удумлари, миллий анъаналарни акс эттирган бундай тадбирларни талотўп, шовқин-сурон, майхўрлигу, исрофгарчилик базмига айлантиришга уринаётганлар бор.

Топганимиз тўйларга буюрсин, тўйларимиз кўп бўлсин, албатта. Зеро, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Ҳар қанча тўй қилсак, ярашади. Аммо кўпда қимматли вақтимизни тўйларга бориш, йиққан терганимизни тўёна ёки совға олиш учун сарфлаётганимиз яхшими? Ёки тўйларда нима кўп олди-берди кўп. Бундан, энг аввало, фарзандларимиз азият чекмайдими? Бундай маблағларни уларнинг келажаги учун сарфлаганимиз маъқул эмасми?

Сир эмас, сўнгги йилларда бу борада юртимизда кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган ва ана шу асосда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо тўй-ҳашамлар, турли ана шундай тадбирларда дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳамон учраётгани сир эмас. Шу муносабат билан Президент фармонидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 18 апрелида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга биноан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашларини тузиш таклифи маъқулланди.

Шу ўринда қарорга биноан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган "Жамоатчилик кенгаши" томонидан тузилган никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ тавсияларни келтириб ўтсак. Бундан кейин "Унаштириш маросими" келин хонадонида ҳар иккала тарафдан 2-3 нафардан жами 4-6 киши иштирок этиши белгиланган. Унда халқимиз урф-одатига кўра нон (патир) ушатилиб, ёшлар унаштирилади. Туй куни белгиланиб, уни ихчам ва тартибли ўтказиш билан боғлиқ айрим масалалар келишиб олинади. Мазкур маросимга куёв тарафдан таом, ширинлик ва нон олиб келинади, булар 2-3 тоғорадан ошмаслиги керак. Кичик ва катта фотиҳа тўйи ўрнига битта унаштириш маросимини чоғроқ даврада ўтказиш етарли.

Келин тарафдан бериладиган ош эрталаб соат 7.00- 9.00 гача ўтказилиши лозим. Маросимда ҳар иккала тарафдан 200-300 кишигача иштирок этади (куёв навкарлар ҳам шу ерда кутилади).

Қарорда марҳумларни хотирлаш билан боғлиқ маросимларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда жаноза ўқилгач, уч кунгача дастурхон безатилмаган ҳолда "фотиҳагарчилик" ўтказилади. Марҳумнинг оила аъзолари қулай вақтда яқин кишилари учун эҳсон маросими ўтказилиб, унда битта таом тайёрланади. Агар марҳумнинг оила аъзолари саховатпешалик кўрсатиш ниятида бўлса, у ҳолда маҳалладаги қариндош -уруғлари ёки дўстлари орасидаги кам таъминланган, имконияти чекланган, етим-есирларга, "Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчиларга, мурувват уйларидаги кишиларга мурувват кўрсатишлари тавсия этилади.

Хўш, айни кунларда мазкур тарғибот ва ташвиқот ишлари қандай амалга оширилмоқда? Бу ҳақда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлим бошқармаси бош мутахассиси Амила Орипова шундай дейди:

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг қарори ижросини таъминлаш учун маҳалла фаоллари, қўмита раҳбарлари, кўчабошилар иштирокида жамоат кенгаши аъзолари тайинланиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари изчиллик билан амалга ошириляпти. Бундай чора-тадбирлар натижасида тўйларимизни аста-секинлик билан ихчамлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, яқиндагина Юнусобод тумани Навбаҳор маҳалласининг икки хонадонида ихчамлаштирилган ва келишилган ҳолда қиз чиқарилди. Миробод туманидаги тўйда ҳам 250 нафар киши қатнашди. Ўша куннинг ўзида келин саломи ҳам ўтказилди. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини жойларда кучайтириш билан бирга оммавий ахборот воситалари билан ҳам кўрсатувлар тайёрламоқдамиз.

Жамоатчилик Кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан дабдабабозликлар, исрофгарчиликларнинг олдини олишда сезиларли амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, келин саломлар тўйхонанинг ўзида бўлиб, никоҳ ФҲДЁнинг ўзида қайд этиляпти. Фуқаролар ҳаётига хавф солувчи пиротехник воситаларидан фойдаланиш ҳамда аҳолининг тинчи бузилмаслиги учун тўй-ҳашамдан сўнг шовқинли ҳолатларнинг олдини олишга жамоатчилик кенгаши аъзолари алоҳида эътибор бермоқда. Чаллар, қуда чақириқ, бешик тўйи, ақиқа, суннат тўйи маросимлари ҳам анча қисқартирилди. Никоҳ тўйдаги урф-одатлар асосан бир кунда ўтказилмоқда. Шунингдек, марҳумлар хотирасига бағишланган 3 кунлик, 7, 20, 40 ва йил каби маросимлар ҳам ихчамлаштирилди. Тадбир ва маросимлар асосан оила аъзолари, яқин қариндош-уруғлар билан ўтказилмоқда. Натижада оилаларнинг тўй ўтказиш бўйича харажатлари камида 2-3 баробарга қисқаради. Бундан ташқари, тўйхона раҳбарлари масъулиятини ошириш ҳамда тўйхона эгалари томонидан тўйлари бўладиган келин-куёвларнинг никоҳ ёшига етган ёки етмаганликларини аниқлаш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан тарқатилган намуна асосида тўйларни қайд этилишлари шу йил 1 февралдан бошлаб шакллантирилди ҳамда бу масала ҳам Тошкент шаҳар ва туман Хотин-қизлар қўмиталари, тўй ҳашам маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгашлари томонидан доимий назоратга олинди.

Бу борадаги ишларни тарғиб этишда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ҳамда "Аёллар қаноти" аъзолари ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



## Миллий ҳунармандчилик

### ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИДА АКС ЭТГАН УШБУ СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҲУНАРМАНДЛАРГА 470 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Республика Марказий банки, "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда уларнинг вилоят бошқармалари масъул ходимлари, ҳунармандлар, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Тадбирдан кўзланган мақсад ҳам партия электорати саналган ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйишга яқиндан кўмаклашиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларга банк имтиёзли кредитлари олишига кўмаклашиш ҳамда тижорат банкларининг хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар беришдан иборат.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси С.Отамуродов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи А.Сайфуллаев сўзга чиқиб, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни йўлга қўйиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан саналишини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар учун кенг ҳуқуқий ва ташкилий имкониятлар яратиб берилгани ҳамда ушбу қонуннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Тадбирда ҳудудларда ҳунармандларни жой билан таъминлаш, туристик маршрутлар бўйлаб миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш, хомашё ва замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш, "устоз-шогирд" анъанавий мактабини ташкил этиш, уларни молиялаштириш сингари масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида уста-ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Шу ернинг ўзида 34 нафар ҳунармандга 470 миллион сўмлик банк сертификатлари топширилди.

***Зариф САТТАРОВ, ҳунарманд, ёғоч ўймакори:***

— Ота-боболаримиз эъзозлаб келган ушбу ҳунарни биз — фарзандлар, набиралар давом эттираяпмиз. Фарзандларим билан ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ясаймиз. Истиқлол йилларида юртимизда ҳунармандларга катта имкониятлар яратилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бугун олган 10 миллион сўмлик имтиёзли кредитни соҳа тараққиёти учун сарфлашни ният қилганмиз.

***Холмахмат ИСМАТУЛЛАЕВ, кулол:***

— Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳунармандлар ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уларга қатор имтиёз ва имкониятлар берилди. Қувонарлиси, қадриятларимиз давомчилари турли солиқ ва тўловлардан озод этилди. Шу туфайли улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур бўлмоқда. Бугунги тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

***Мавлуда ҲАМДАМОВА, каштачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи:***

— Шаҳримизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар, ҳатто, турли давлат раҳбарлари қадим шарқ анъаналари ўчоғи бўлмиш Самарқанд ҳунармандчилигига катта қизиқиш билан қарайдилар. Шу боис биз ҳунармандлар ҳам бу маънавий-моддий меросни асраб-авайлаб, унга янада жило бериш йўлида изланишда давом этяпмиз, ҳунармандларимизга бунинг учун барча шарт-шароит ва имконият муҳайё. Мазкур семинар воситасида 10 миллион сўмлик имтиёзли кредитни қўлга киритдим. Бу сармоя эвазига маҳалламиз қизларини янги иш ўрни билан таъминлаш, фаолиятимизни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ

## Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

### МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДПДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Мазкур йўналишлар бўйича Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури" ижросини ўрганиш юзасидан ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ҳисоботи тингланди. Унда ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи мазкур Дастур ижроси бўйича 2009-2011 йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Ҳисоботда қайд этилишича, вилоят адлия бошқармаси ва тизимдаги давлат нотариал идоралари, ФҲДЁ бўлимлари томонидан 2011 йил давомида жами 3750 маротаба тарғибот ишлари олиб борилган. Шундан 3212 таси оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари сирасига киради. Шунингдек, бошқарма томонидан Дастур ижроси бўйича ўтган йили вилоятдаги 13 та туман, шаҳар ҳокимликлари ва 37 та давлат бошқарув органларида ўрганишлар ўтказилиб, жами 45 та тақдимнома чиқарилган. Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 2011 йилда 138 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 75 таси қаноатлантирилган, 49 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасида судларга жами 166 та, яъни 1 942 009 949 сўмлик даъво аризалари киритилган.

Ҳисоботда депутатлар тадбиркорлар, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва касаначилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, самарали фаолият кўрсатишлари учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузиш ва бажаришда вилоят Адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, вазифа ва муаммолар аниқ далиллар билан асослаб берилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг Ғаллаорол, Бахмал туман ҳокимликлари, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими, ҚФЙ, МФЙ, туман ташкилотлари ва таълим муассасаларидаги ижроси юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар ўрганилди. Натижалар мазкур туманларда ҳали Дастур ижроси юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар талай эканлигини кўрсатди.

Вилоят Кенгаши сессиясида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижросини тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартибот органларининг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатининг олиб борилишини назорат этиш соҳасини янада жонлантириш мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан бир қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, кенг жамоатчилик ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан амалдаги қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғибот ишларини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш лозимлиги эътироф этилди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ФҲДЁ бўлимларида ҳуқуқий маслаҳатхоналар, ишонч телефонларини янада кўпайтириш чораларини кўриш, жойлардаги ахборот-ресурс марказларини янги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда тарғибот самарадорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, тушунтириш маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига улкан масъулият юклайди, - деди халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Лола Эгамова. — Мазкур жараёнларда фаол иштирок этиш, ўз ваколатимиз доирасида депутатлик назорати ва сўровини ўтказиш, қолаверса, партия Марказий Кенгаши томонидан тавсия этилган масалаларни жойларда тарғиб этишга интилмоқдамиз. Вилоят Кенгаши сессиясига ҳудудда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси таъминланишига қаратилган қатор таклиф ва тавсияларни олиб чиқдик.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

***Буюк файласуфлардан бири бизга маънавий етук аёлларни беринг, сизларга даҳоларни берамиз, деганида нақадар ҳақ эди. Аёл деган ном қадимдан ардоқланиб, эъзозланган. Боиси, бу зот ўзининг нозиклиги, керак жойда фидойилиги ва ватанпарварлиги билан дунёни лол қолдирган. Бугунги кунга келиб, мустақил Ватанимизнинг аёллари ҳар жабҳада эркаклар билан тенг, елкама-елка туриб юрт келажаги учун, эртанги кунда фарзандларимизга биздан озод ва обод Ватан қолдириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Асакалик Манзурахон Жўраевани ҳам ана шундай аёллар сирасига киритиш мумкин.***

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ

## Ҳамиша ғолиб



Ўтган йиллар мобайнида Манзурахон жамиятга аёл-она сифатида беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ҳозирги кунда 2 нафар набиранинг бувиси. Меҳнат фаолиятини Асака шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган қаҳрамонимизни, кейинчалик Асака педагогика коллежида маънавий-маърифий ишлар бўйича бош услубчи, шаҳар ҳокимлигида маънавий-маърифий ишлар бўйича Марказ раҳбари лавозимига таклиф этишди. Қаерда бўлса ҳам М.Жўраева ўзининг меҳнатсеварлиги, етакчилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Манзурахондаги ташаббускорликни кўрган халқ унга ишонч билдирди. 2003 йилдан у "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлай бошлади.

М.Жўраева раислик фаолиятини ўз ҳисобидан маҳаллага идора учун янги бино ва гузар қуришдан бошлади. Маҳалла аҳлининг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашишга вақт ажратди. Унинг меҳнатлари бесамар кетмай 2008 йилда Республикада ўтказилган кўрик-танловда "Ёш оилаларни энг кўп қўллаб-қувватлаган маҳалла, намунали раис" номинациясида ғолиб бўлди.

Манзурахон ЎзМТДП халқ депутатлари Асака туман Кенгаши депутати сифатида ҳам мақтовга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. У янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳалладошларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш мақсадида "Асакалик Латифжон ҳожи" номли кўп тармоқли деҳқон хўжалиги ташкил этди. Деҳқон хўжаликда чорвачилик, боғдорчилик, чеварчилик ва савдо хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича 21 нафар ёш иш билан банд этилди.

Манзурахон Жўраева 2009 йил "Йил аёли" республика кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичида ғолиб бўлди. Эришган муваффақиятлари туфайли бир қатор хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро форумда иштирок этди. Шунингдек, мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган бир қанча танловларнинг ғолиби ва совриндори, ташаббускор, ҳамиша эл ташвиши ва қувончи билан яшайдиган Манзурахон ўтган йили давлат гранти асосида Исроил давлатида бўлиб, "Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш" мавзусида ўқув курсини тамомлаб келди.

Энг кўп иш ўрни ташкил этгани учун унга Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан 11 та тикув машинаси берилди. Қаҳрамонимиз ташаббуси билан "Дўстлик" МФЙ ҳудудида замон талабига жавоб бера оладиган янги гузар қурилиб, ишга туширилди. Натижада 4 та иш ўрни ташкил этилди. Маҳалла ҳудудига минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. 5,5 километр йўллар асфалтланди. Аҳолининг узоғини яқин қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида Уюшма ташкил этилиб, унга 40 та "Дамас" бириктирилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичида М.Жўраева ғолиб, деб топилиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди. 2011 йили маҳалла ёшларини миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остидаги "Менинг маҳаллам тарихи" республика кўрик-танловида 1-ўринни қўлга киритди.

Ватан равнақи йўлида ўзини билим, тажриба ва ташаббусини сарф этаётган Манзурахон Жўраева ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар асосида ташкил этган ишини депутатлик фаолиятига уйғунлаштириб олиб бормоқда.

**Умида ЙЎЛЧИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

РЕКЛАМА

# ЗАРАФШОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА "KARMANA FENIKS" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини касб байрами —

## *27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

билан муборакбод этади.









## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**"ЯККАБОҒ ҚЎРҒОНИ" ҚУРИЛИШ ИНЖИНЕРИНГ КОМПАНИЯСИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ**

*Машаққатли ва шарафли касб эгалари бўлган азиз журналистларни, матбаачиларни касб байрами билан самимий табриклайди.*

*Эл-юрт манфаати йўлида олиб бораётган ижодий фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз!*



**БАЙРАМ МУБОРАК!**

# РЕКЛАМА ЎРНИДА

**ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА**

## Мактаб матбуоти

***Кундалик ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги кўпчиликка маълум, албатта. Уларда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлар ҳамда дунё воқеалари ўз аксини топади. Шу боис, ҳаёт билан ҳамнафас бўлган матбуот нашрларидан бохабар бўлиб бориш ҳар биримизнинг диққат-эътиборимизда бўлади.***

Билим даргоҳларидаги деворий газеталар ҳам ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишида, фанларни пухта ўзлаштириш ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишида яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Муҳим саналарга бағишлаб чиқарилаётган деворий газеталарнинг ҳар жиҳатдан кўркам, таъсирчан, ўқишли ва безакли қилиб чиқарилиши ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига тортмай қолмайди, албатта.

Синф деворий газетаси — ўқувчилар кўзгуси. Шунинг учун унда синф жамоасининг билими, хулқ-атвори, дунёқараши ва орзу-интилишлари ўз аксини топмоғи керак. Газетага ўқувчиларнинг ёши, мақсад ва интилишлари ҳамда қизиқишларига қараб ном танлаш, уни мунтазам равишда чиқариб бориш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлур эди. Деворий нашрларнинг мундарижаси алоҳида олиб борилаётган турли тадбирлар тўғрисидаги хабарлар, ханда ва бошқа қизиқарли материаллар газетанинг таъсирчанлигини оширади.

Мактаб жамоаси 63 нафар педагог ҳамда 846 нафар ўқувчидан иборат бўлиб, деворий газеталар таъсирчанлигини ошириш устида изланмоқда. Ўқувчиларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг билим савиясини ошириш ва ижодий баркамоллигини шакллантириш мақсадида мактаб, синф, фан ва тўгарак деворий газеталари жами 50 тага яқин бўлиб, уларнинг таҳририят аъзолари яхши фаолият кўрсатаяпти. Жумладан, "Ўқувчилар овози", "Қизлар овози", "Маърифат", "Ёш куч", "Ниҳол" кабилар мактабимизнинг асосий деворий газеталари ҳисобланади. Бу ерда чиқадиган "Аъло ўқиш ва намунали хулқ учун" газетаси етакчи ҳисобланиб, мактабимизнинг ҳаёти тўлиқ қамраб олинган. Унда жамоатчи, фаол ўқувчилар ҳақида мақолалар, турли янгиликлар ва ўқувчиларнинг ижодидан намуналар бериб борилади. Сатира ва юмор бўлимида эса билим даргоҳидаги мавжуд камчиликлар қаламга олинади. Мазкур нашрлар мактабимиздаги кўп йиллик деворий нашрлар тахлами мавжуд бўлган маънавият ва маърифат музейимизда сақланади.

Одатда, деворий газеталарга бўлган эътибор ва рағбат ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий дунёси ҳамда касб-ҳунар эгаллашига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди. Тўғри, бугунги кунда компьютер, факс, интернет сайтлари, электрон почта, видеотасма, уяли телефоннинг ҳаётимизга кириб келиши натижасида деворий газеталарга бўлган эҳтиёж бироз камайгандек. Бироқ, бизнингча жамоа ўртасида чиқарилаётган деворий газеталар фаолияти янаям яхшиланмоғи ва уларга бўлган эътибор кучайтирилмоғи лозим. Бу, энг аввало, ёшларнинг бўш вақтини ҳар жиҳатдан мазмунли ўтишини ҳам таъминлайди.

**Дилфуза САДРИДДИНОВА,**
**Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби директори**




**БУХОРО МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ ОАЖ ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча қаламкашларни, журналисту матбаачиларни**

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

**билан қизғин табриклайди.**

**Сизларга ҳамиша оилавий бахт, куч-қувват, ижодингизга барака тилаймиз.**

***Поп тумани аҳолиси, асосан, Сирдарёдан сув ичиб деҳқончилик қилади. Туман фермерлари бу йил 29 минг гектар ерда пахта ва ғалла етиштирдилар. Жорий йилда 26 минг тоннадан ошиқ сара дон йиғиб олишни мақсад қилиб қўйган Поп тумани ғаллакорлари иш суръатини ошириб, зафар маррасига етиб келишди. 393 та фермер хўжалиги 10570 гектар ерда ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар.***







## Попликлар

# Олтин бошоқдан юксак хирмон бунёд этдилар

Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган донни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш илинжида меҳнат қилаётган комбайнчи ва механизаторларнинг шижоати баланд.

—Пухта тайёргарлик кўрилганлиги, мавсумни сифатли амалга ошириш имконини берди,- дейди биз билан суҳбатда Поп туман ҳокими Баҳодир Раҳмонов. — Ғалла ўримини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 41 та комбайн, 150 дан ошиқ автомашина 35 та жамоага бўлиниб кечаю кундуз ишлашаяпти. Ўрим-йиғим ишлари "Водий", "Чодак", "Сирдарё", "Мирсултон оға", "Наврўз" каби ҳудудларимизда яхши ташкил этилганлиги боис, кунлик ўсиш суръатлари ҳам юқори бўлмоқда. Давлат қабул хирмонларига 26 минг 365 тонна сара дон етказиб бердик. Ҳосил ўрими давом этмоқда. Туманимиз фермерлари ялпи ҳосилни 32 минг 479 тоннага етказиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Рўзиматжон Холбоев раҳбарлик қилаётган "Сидиқжон" фермер хўжалиги ҳосилдорликни 56,6 гектар майдондан 52 центнерга етказиб, 291,5 тонна хирмон кўтаришга эришди. Режани 120,6 фоиз қилиб уддалашди. Меликўзи Абдуназаров раҳбарлик қилаётган "Лохила она" фермер хўжалиги аъзолари эса 19 гектардан ошиқ майдондан 54 центнердан ошириб дон олишга эришди. Давлат режаси 121,3 фоизга уддаланди. Олди фермерларимиз 65-70 центнердан хирмон кўтаришга эришмоқда. 140 дан ошиқ фермер хўжаликларимиз режани 120 фоиздан оширишди. Деҳқонларимиз 14 минг 282 гектар майдонда ғўза парваришини ҳам олиб боришмоқда. Биринчи ўғитлаш ва суғориш ишлари якунланди. Ҳар бир ғўзада 4-5 тадан ҳосил нишоналари кўриниб қолди. Насиб этса, пахтадан ҳам мўл ҳосил олиш ниятидамиз. Фурсатдан фойдаланиб барча фермерларимиз, механизаторларимиз ва ҳашарчиларимизга миннатдорлик билдираман.

Туман ҳокимининг гапида жон бор. Мавсумга яхши тайёргарлик кўрилганлиги, қолаверса, далалардаги бўлиқ бошоқлар юқори ҳосил етиштирилганлигидан дарак бермоқда.

— Юқори ҳосилдорлик хўжалик аъзоларимизнинг кайфиятини кўтариб юборди,- дейди "Султон хўжа ота Заргарон" фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Султонов. — Жорий йилда 27,7 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Дастлабки ўримда кўрсаткичимиз 54,5 центнерни ташкил этяпти. Албатта, қанчалик юқори ҳосил етиштирсак, шартнома режаси ҳам, хўжалигимиз аъзоларининг оладиган улушлари ҳам шунга яраша бўлади. Давлатга 86 тонна ўрнига 104 тоннадан ошириб ғалла топширдик. Ҳали 7,5 гектар ўрилмаган майдон бор. Уни ишчи-хизматчиларимизга тарқатиб берамиз. Ишласак, даромадимиз ҳам шунга яраша кўпайиб бормоқда.

Абдураҳим Муратов раҳбарлик қилаётган "Попдонмаҳсулотлари" акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари даладан олиб келинаётган донларни пешма-пеш хирмонга уймоқда. Ғалла карвонларининг кети узилмайди. Бу баракали ҳосил етиштирилганидан нишона.

— Поп ва Чуст тумани ғаллакорларидан дон қабул қилиб оламиз,- дейди, бошқарув раиси А.Муратов. — Бу йил далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Мана, поплиқлар давлат режасини ортиғи билан уддалашди. Ҳали ўрим ишлари давом этмоқда. Корхонамиз ўтган йили тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Кунига 120 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир корхонамизда 260 нафар ходим меҳнат қилишмоқда. Улар учун барча шароитлар яратиб берилган. Дон — ризқ-рўзимиз. Уни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун бор имкониятларимизни сарфлаяпмиз.



Поп туманида бўлганимда "Поп тонги" газетаси қўлимга тушиб қолди. Унда газета мухбири Неъматилла Ғайбуллаевнинг илғорликни қўлдан бермай келаётган ғаллакорлар ҳақидаги катта мақоласи чоп этилган экан. Уни ҳам сиз билан баҳам кўришга қарор қилдик.

**ИЛҒОРЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ**

Бугун барчанинг фикри-зикри қалб қўри билан яратилган ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз файзи ҳисобланган ғаллани нест-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишга қаратилган.

Ишни отряд тизими асосида ташкил этилиши мавсумни жадал суръатларда бажарилишига кенг имкон яратди. Илғор жамоа соҳибини излаб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига мурожаат қилдик. Телефондан Сойибжон Йўлдошев раҳбарлигидаги 84-отрядни "Водий" ММТП ҳудудидаги "Султонхўжа ота Заргарон" фермер хўжалигидан топасизлар, деган жавобни олиб, йўлга тушдик...

Пешқадамликни қўлдан бермай келаётган истараси иссиқ, қалби юрт ишқи билан ёнган бу йигитни фермер хўжалигидаги ғаллазор штабида учратдик.

— Менга 10 та фермер хўжалиги бириктирилган эди, - дейди у. — Бугунгача 8 таси режани 110-120 фоизга бажарди. Бу пайкал эса 2002 йилдан буён илғорликни қўлдан бермай келаётган Комилжон Султоновга қарашли. Комбайнчилар Нажмиддин Сафоев, Абдунасим Маматов эрта тонгдан кеч тушгунга қадар тиним билишмайди. Муаммо йўқ, кўнгил тўқ. Туман ҳокимлигининг қимматбаҳо мукофотларини қўлга киритиб турибмиз. Ҳозирги фермер хўжалиги ғаллазорида ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Бугунги тўпланган буғдойни 110 тоннага етказиб, кечга томон қўшни фермер — "Ҳазрати Ҳасан"га ўтамиз. Бугун ҳам 160 тонна сара дон топшириб, ғолибликни сақлаб қоламиз.

Ҳосилни йиғиштириб, ғалла майдонларини сомондан тозалаб бўлган, фермерлар ерни шудгорлаш ишларини ҳам тезкорлик билан бошлаб юборишган.

**Эркин ЙЎЛДОШ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# РЕКЛАМА


## “АНДИЖОН САНОАТ РИВОЖИ” ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

*Азиз журналистлар, муҳтарам нашриёт ва матбаа соҳаси жонкуярлари Сизни*

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

*билан самимий қутлаймиз.*



*Эзгу ниятлар билан амалга ошираётган ишларингизда доим омад ёр бўлсин!*



**Qishloq Qurilish Bank**

## ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини самимий муборакбод этади!*

*Сизларга мустаҳкам соғлик, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик ва ишларингизда каттадан-катта омад тилайди.*

*Ахборот маркази телефонлари:*
*(+99871) 150-39-93, 150-93-39*
*www.qishloqqurilishbank.uz*



**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Qishloq Qurilish Bank**

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» — **«ОМАД»** номли муддатли-ютуқли омонат турини таклиф этади. Ушбу омонат турига маблағлар 1 ойдан кам бўлмаган муддатга, 100 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда нақд пулда йиллик 12 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2012 йилнинг 1 июнидан бошлаб 10 июль кунига қадар қабул қилинади.

Ютуқлар тиражи 2012 йил август ойининг 25 санасида банкнинг Бош офисида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида қуйидаги 54 та пул ютуқлари ўйналади.

| т/р | Ютуқ миқдори (минг.сўмда) | Ютуқлар сони | Жами суммаси (минг.сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1 | 2000 | 1 | 2 000 |
| 2 | 1000 | 1 | 1 000 |
| 3 | 500 | 2 | 1 000 |
| 4 | 200 | 5 | 1 000 |
| 5 | 100 | 15 | 1 500 |
| 6 | 50 | 30 | 1 500 |
| Жами: | | 54 | 8 000 |

*Қўшимча маълумотлар учун:*
*100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй*
*Тел: (+99871) 150-76-52, 150-76-53*


МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# Йўллардаги ҳар бир ҳаракат

### АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

***Сўнгги йилларда кўчаларимизда транспорт ҳаракати, замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган автомобилларнинг сони кескин ошиб кетди. Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига эътиборни кучайтиришни тақозо этади.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙҲХ Бош Бошқармаси “Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада ошириш масалаларида янги тажриба ва ечимлар тўғрисида” матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда таъкидланишича, йўлларда ҳаракатни ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида ўтган беш ой мобайнида қўшимча 3153 та йўл белгилари ўрнатилди, 7677 та эскирган йўл белгиси янгисига алмаштирилди. 133 та светофор қурилмасининг иш тартибига ўзгартиришлар киритилди. 317125 квадрат метр йўл чизиқлари чизилди. Буларнинг бари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи илк омиллардир.

Сўнгги йилларда соҳада ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББда Республика миқёсида қайд этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базаси яратилди. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

“Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш” лойиҳаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлаш, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳодисалардан ҳимояланганлик даражасини ошириш, йўл ҳаракатини назорат қилиш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ҳамда профилактика қилишга қаратилган.

***Мансуржон РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ катта инспектори, подполковник:***

— Лойиҳага асосан ҳар бир чорраҳа вазиятни узлуксиз кузатиб бориш мақсадида видеокамера, фоторадар, фиксатор, интеллектуал детектор, контроллерлар билан жиҳозланиш кўзда тутилган. Бундан ташқари фуқаролар учун махсус хизматлар (ички ишлар, тез тиббий ёрдам)ни чақириш воситалари ҳам ўрнатилади. Чорраҳадан олинган барча маълумотлар Марказий диспетчерлик хизматига узатилади ва бу ердаги электрон табло ҳамда видеомониторларга чиқарилади. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида ушбу тизим Тошкент шаҳрининг транспорт ҳаракати жадаллиги юқори бўлган 120 та чорраҳага жорий этилади. Кейинги босқичда эса 400 та чорраҳага жорий этиш кўзда тутилган. Бу автомобиллар ҳаракатини кузатиш, назорат қилишни марказлаштирилган ягона ахборот-компьютер тизимини яратиш имконини беради. Энди ҳайдовчиларимиз чорраҳаларда янада ҳушёррок бўлиб, қоидаларга қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Уларнинг барча ҳаракатлари замонавий техникалар ёрдамида кузатиб борилади.

Олинган маълумотларга кўра, ўтган беш ой мобайнида жами 1 млн. 395 минг 391 та йўл ҳаракати қоидабузарлиги, жумладан, 577 минг 812 та қўпол қоидабузарлик, 19080 нафар маст ҳайдовчи, 23608 нафар қоидабузар пиёда аниқланган. Олиб борилган ишлар натижасида 2012 йилнинг беш ойи давомида Республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2011 йилнинг беш ойига нисбатан 9 фоизга, ҳалок бўлган фуқаролар сони 9,7 фоизга, жароҳатланганлар сони эса 10,5 фоизга камайган.

Матбуот анжуманида ЙҲХга оид долзарб вазифалар ва келгуси режалар хусусида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди, кўплаб маълумотлар берилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

**Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

ТАДБИР

# “Соғлом бола ҳафталиги”

### УШБУ ЖАРАЁНДА 2,6 МИЛЛИОН НАФАРДАН ЗИЁД БОЛА СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

***Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ болалар саломатлигига, ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Давлат дастури доираси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш мақсадида “Соғлом бола ҳафталиги” тадбири ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида ташкилотчилар томонидан 2,6 миллион нафардан зиёд болалар учун А витамини саплементацияси олиб борилади. Шу билан бирга вазирликнинг етук мутахассислари томонидан вилоятларда туғриқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўтказилади.

Микронутриентларнинг танқислиги инсон хасталикларининг 80 фоизга ортишига сабаб бўлади. Шу боис темир, йод моддалари ва А витамини каби микронутриентларнинг етишмаслиги профилактикасига алоҳида эътибор қаратилади.

***Дилором АҲМЕДОВА, Республика педиатрия илмий текшириш институти директори:***

— А витамини инсон иммун тизимининг энг муҳим микроэлементларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 140 миллион нафар мактаб ёшига етмаган болалар ва 7 миллион нафар ҳомиладор аёллар А витамини танқислигидан азият чекмоқда.

Ўзбекистонда 2002 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ ҳамкорлигида А витамини етишмаслиги профилактикаси дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда аҳолининг овқатланиш тартибини ўзгартиришга қаратилган ахборот-тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар А витамини саплементациясининг 17 тури амалга оширилган бўлиб, ҳар бир турда 2,1 миллион нафар 6 ойликдан 60 ойликкача бўлган болалар қамраб олинган. Амалга оширилган барча тадбирлар натижасида паст бўйлик, туғма аномалиялар, микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалланиш ҳолатлари, оналар ва болалар ўлими камайиб бормоқда. Бундай тадбирларни йил давомида ўтказиб борамиз.

“Соғлом бола ҳафталиги” тадбири 30 июнга қадар давом этади.

**Ўз мухбиримиз**

ОГОҲЛИК

# Ўт-ўлан ва сомон ёқиш

### НАФАҚАТ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА, ТАБИАТГА ҲАМ ЗАРАРЛИ ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Ёнғин — тилсиз ёв, деб бежиз айтишмаган. Ёз фасли келиши билан ҳаво ҳарорати ҳам кўтарилади. Демак, бунда ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз, доимо ҳушёр бўлишимиз талаб этилади.

Сомонни ёқиш тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ернинг ҳосилдорлигини пасайтиради. Бу, энг муҳими, аҳоли соғлиги, табиатга ҳам таъсир қилади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бир гектар майдондаги бошоқли дон пояси ёқилса, ундан ҳавога ярим килограмм азот, уч килограмм кул, қарийб йигирма килограмм газ ва углерод оксиди тарқалар экан. Бу аҳоли орасида турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис ҳар йили бу масалага давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда фаол иштирок этиш, жойларда ўт-ўланларнинг ёқилишига йўл қўймаслик, бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётир. Ёз мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ҳудудларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги талаблари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирларда мавсумда қатнашадиган ҳар бир кишининг масъулияти, зиммасига юклатилган вазифалар, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунча ва тавсиялар берилди.

**Даврон ҚОДИРОВ, Яккасарой тумани 21-ХЁХҚ смена бошлиғи**

# НИГОҲ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### Энг фаол касаначи аёл

**Фарғона шаҳрида шу номдаги кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида Марказий маданият уйи ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Энг фаол касаначи аёл" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Мазкур тадбирда вилоятнинг "Саржона" болалар ансамбли ва 2-3-4-сонли маданият уйлари бадиий жамоаларининг мусиқий чиқишлари кўрик-танлов қатнашчиларини янада руҳлантириб юборди.

### Ўзбекистон — умумий уйимиз

**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида фестиваль ўтказилди.**

Фестиваль вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари шаҳар бўлими ва бошқа бир қатор ташкилотлар кўмагида ўтказилди. "Солнышко", "Дуэт" рақс ансамбллари, вилоятдаги миллий маданий марказлар бадиий жамоаларининг ранго-ранг концерт дастурлари фестивалга ўзгача шукуҳ бағишлади.

### Бир зиёли 10 оилага маънавий ҳомий

**Фарғона шаҳар "Оқариқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида шундай шиор остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда маҳалла фаоллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этишди. Маҳалла марказий маданият уйининг "Алёр" ва "Ёшлик" эстрада ансамбллари эса ўзларининг концерт дастурлари билан тадбир иштирокчиларини хушнуд этишди.

### Мустаҳкам оила — жамият таянчи

**2012 йил — "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб ўтказилган мазкур фестиваль халқларимизни ўзаро ҳурмат ва бирдамликка чақирди.**

Қувасой шаҳар ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва шаҳар ИИБ бўлими, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши томонидан "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида ўтказилган фестивалда шаҳарда яшовчи ўнга яқин миллат ва элат вакиллари қатнашди. Халқларимизнинг миллий руҳдаги куй-қўшиқлари, жозибали рақслари даврага янада файз киритди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ



# Ўсимликлар дунёси

## БИЗНИНГ МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

***Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби" 1979 йили таъсис этилган. Китобнинг сўнгги 2010 йилги янги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турларининг сони ортиб, 324 тани ташкил этди. Биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтининг катта илмий ходими, биология фанлари доктори Комилжон Тожибоевни суҳбатга тортдик.***

**— "Қизил китоб"нинг 2010 йилдаги янги ва аввалги нашрлари ўртасида қандай фарқ бор?**

— Ўзбекистон Республикасининг янги "Қизил китоби" аввалги нашрларидан бирмунча фарқ қилади. Янги нашрга киритилган барча ўсимлик турлари рангли тасвирда берилди (ўсимликнинг гулидан, баргидан тортиб илдизларигача яққол акс этган). Қолаверса, китобга киритилган ҳар бир турнинг ўзбекча, русча ва лотинча номлари, уларнинг қайси оила ҳамда туркумга мансублиги кўрсатилган. Шунингдек, турларнинг (қисқача тавсифи, ҳаётий шакли, бўйи, шох-шаббаси, барги, меваси ва фенологияси), тарқалиши ва чизма харитада учрайдиган жойлари келтирилган. Бундан ташқари ўстириш усуллари, муҳофаза чоралари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**— Сир эмас, "Қизил китоб"га киритилаётган ўсимлик турларининг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунинг сабабларини қандай изоҳлаш мумкин?**

— Сабабларига тўхталадиган бўлсак, буни экологик ўзгарувчанлик жараёни билан боғлаш тўғрироқ бўларди. Орол денгизининг қуриб бориши натижасида иқлимнинг ўзгариши, жуда тезлик билан дунё бўйлаб тарқалаётган чўлланиш жараёни бунга сабаб бўлмоқда. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг тез суръатларда ривожланиб бориши, табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ўсимликлар генофондининг камайишига таъсир кўрсатаётир.

"Қизил китоб"нинг охирги нашрига астрагалларнинг 36, карракларнинг 21, лолаларнинг 18, ширачларнинг 12, пиёзларнинг 10, жузғунларнинг 5, етмакнинг 2 тури ва ҳоказолар киритилган. Ҳолбуки, бу ўсимликларнинг баъзилари муайян жойда ўзига хос иқлим шароитида ўсадиган камёб ва эндем турлардир. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Республикамиз қўриқхоналарида муҳофаза қилинаётган ўсимликларнинг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлишига қарамай, кўплаб ёввойи турларнинг захиралари камайиб кетмоқда. Она табиатимизнинг кўрку зийнати — нафис гули лолаларнинг 18 тури "Қизил китоб"дан жой олди. Бунинг сабаби лолаларнинг қайси турлари бўлишидан қатъий назар инсонлар томонидан шафқатсизларча узилиб, ҳаттоки пиёзларигача қазиб олиниши ҳамда ўша жойларда чорва молларининг боқилиши оқибатида йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Майин тукли қандим, Палецкий қандими, Маттей қандими — (жузғунлар) каби буталар камёб, эндем турлар бўлиб фақатгина Қизилқумда, ниҳоятда кичик майдонлардагина тарқалган. Уларнинг ўзига хос хусусияти шуки, фақат қумларда ўсади. Бу каби буталар аҳолининг қишда ўтин сифатида фойдаланиш оқибатида йўқолиб кетиш даражасига етди. Қандимнинг (жузғун) "Қизил китоб"га киритилган турларининг хўжаликдаги аҳамияти беқиёсдир. Улар қумларни кўчишдан ҳимоя қилади.

**— Табиатнинг ўзига хос бир хусусияти борки, ўсимлик ўз камёблик даражасини у ёки бу томонга ўзгартириб туради. Яъни вақт ўтиши билан бутунлай йўқолиб кетиши ёки, аксинча, кўпайиб муҳофазага муҳтож бўлмай қолиши мумкин. Шу маънода, "Қизил китоб"дан чиқарилган ўсимлик турлари борми?**

— "Қизил китоб"га киритилган ўсимлик турларининг тақдири билан соҳа мутахассислари, олимлар мунтазам равишда шуғулланиб келишади. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони анча кенгайганлигини кўрсатди. Масалан, Анзур ва Суворов пиёзлари олдинги ҳолатига келмаган бўлса-да, маълум даражада кўпайган. Энг камёб ўсимликлардан Минквиц тезиуми ўсимлик турининг сони 7 тадан 17 тага етди. Қурама тизмасида камёб ўсимликлардан ҳисобланган Коровин ширачининг мавжудлиги аниқланди. Лекин айрим ўсимлик турларининг сони қисқариб кетган. Омон қора ўсимлиги, Писком пиёзи, Маргарита мармараги кабилар шулар жумласидандир. Аксинча, табиатда нисбатан кўпайганлиги ва ареалининг кенгайганлиги сабабли Корольков заъфарони, Ноксимон нормушк, Суворов пиёзи, Анзур пиёзи "Қизил китоб"дан чиқарилди.

"Қизил китоб"га киритилган ҳар бир тур ўсимлигининг ўз қисмати бор. Бундай салбий оқибатларнинг олди олиниб, чек қўйилмас экан "Қизил китоб"га киритилаётган ўсимлик турларининг сони йилдан-йилга ортиб бораверади. Шундай экан, ўсимликларни муҳофаза қилишга эътиборни янада кучайтириш лозим. Табиатда бирорта ўсимлик тури йўқолса, уни асло тиклаб бўлмайди. Она табиатимиз уларни янгидан яратишга қодир эмас. "Қизил китоб" эса табиат инъом этган ҳар бир тур ўсимликни кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, келгуси авлодларга софлигича қолдириш имконини беради.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА,**
**биология фанлари номзоди**

## АНЖУМАН

***Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Миллий матбуот марказида "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши, ривожланиши ва соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида" деб номланган анжуман бўлиб ўтди.***

# Оммавий ахборот воситалари

## КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар оммавий ахборот воситалари учун муҳим бир даврни бошлаб бергани алоҳида таъкидланди.

Ўтган давр ичида соҳани ривожлантириш, такомиллаштириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада миллий оммавий ахборот воситаларида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1991 йилда ОАВ умумий сони 395 тага етган бўлса, 2012 йил 20 июнь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 1292 тани ташкил этмоқда. Шундан 775 таси нодавлат ОАВ ҳисобланади.

Бугунги кунда "Интернет журналистика" ёхуд "Интернет газета" каби тушунчалар янгилик бўлмай қолди. Бу йўналишнинг шиддат билан ривожланиши, энг муҳими, ушбу тармоқ ичидаги айрим сайтларнинг оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатиши улар учун алоҳида ҳуқуқий асос бўлиши лозимлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда республикамизда амалдаги қонунга мувофиқ 196 та хусусий веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган.

7 тилда босма оммавий ахборот воситалари нашр этилмоқда. Телевидение ва радиоларда ҳам бу амалиёт қўлланилиб келинмоқда. Эшиттириш ва кўрсатувлар қардош халқлар тилларидан ташқари рус, инглиз тилларида ҳам эфирга узатилмоқда. Веб-сайтлар рус, ўзбек ва инглиз тилларида фаолият юритади.

Анжуманда таъкидланганидек ўтган йилнинг 28-30 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида Биринчи "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмаси ўтказилди. Унда 500 дан зиёд нодавлат босма нашрлар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари вакиллари, дипломатик корпус ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, 60 дан ортиқ етакчи матбаа корхоналари, ноширлик ташкилотлари, соҳадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда Россия, Хитой, Германия, Қозоғистон, Корея, Ҳиндистон, Украина ва Япония каби мамлакат вакиллари ва компаниялари иштирок этди. Айни пайтда Иккинчи "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмасини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ЎГИТ

Донишманд одамнинг хатолари қуёш ва ой тутилишига ўхшайди. Унинг хатосини ва бу хатони қандай тузатаётганлигини ҳамма кўриб туради.

**Хитой мақоли**

Ўзингга шундай бойлик тўплагингки — қароқчилар уни ўғирлай, душманларинг эса унга дахл қила олмасин, вафотингдан кейин ҳам ўзинг билан қолсин ва қанча вақт ўтмасин, ҳеч қачон камаймасин, йўқолиб кетмасин.

**Ҳинд мақоли**

## РИВОЯТ

### Иззат-ҳурмат, шон-шараф илмда

Қадимги Юноннинг энг буюк файласуфи Арасту ўлимига яқин ўғлини чақириб, шундай деди:

— Болажоним, ўз умримни илму ҳикматнинг сирларидан воқиф бўлиш йўлида сарф қилдим. Илму ҳикмат нури билан жуда кўп тугунларни ечдим, аммо ўлимга келганда чора тополмадим. Сенга қиладиган васиятим шуки, мол-давлат орқасидан орттирилган иззат-обрўда баҳо йўқ. Иззат-ҳурмат, шон-шараф илмда. Илм орқасида қўлга киритган шон-шараф фано ва заволни билмайди, вақт ва давр ўзгариши унга таъсир қилмайди. Иззат-эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин десанг илм орттир!

## БИЛАСИЗМИ?

Байкал кўли (Россия)га 336 та дарё сувлари келиб қуйолади, бироқ унинг ўзидан атиги битта дарё (Ангара) сув ичади.

* * *

Мексикадаги Парикутин вулқони сурункасига 9 йил (1943-1952) отилган. Ана шу вақт мобайнида вулқон конусининг баландлиги 2774 метрни ташкил қилган.

## ТУРФА ОЛАМ

### Ўта енгил самолёт

**СУВГА ҚЎНА ОЛАДИГАН ЎТА ЕНГИЛ САМОЛЁТ — «ФЛАЙНАНО» СИНОВ ПАРВОЗЛАРИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ.**



Финляндиялик мутахассислар ушбу ҳаво кемасини ишлаб чиқариш учун ўн йил давомида меҳнат қилишди. Корпуси карбондан бўлгани учун бир ўриндиқли учиш аппарати атиги 70 килограмм тош босади. Шунга қарамай, у 200 килограмм юкни кўтара олади. Ҳавода эса унинг тезлиги соатига 200 километргача етиши мумкин. Шунингдек, у 3 километр баландликкача кўтарила олади. "Флайнано" электр двигатель билан жиҳозланган бўлиб, бир марта қувватини қайта тиклаганидан сўнг 40 километр масофага парвоз қилиши мумкин.

### Сербияда мамонтлар мозори топилди

**СЕРБИЯЛИК ОЛИМЛАР АНТИҚА ТОПИЛМАГА ДУЧ КЕЛИШГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИЛАР.**



Белграддан узоқ бўлмаган жойда геологлар кўмир кони ҳудудида мамонтлар қабристони борлигини аниқлашди. Улар қадимда яшаган ҳайвонга тегишли олтита суяк қолдиқларини топишган. Мутахассисларнинг айтишича, шу кунгача бундай бебаҳо топилма бу қадар кўп миқдорда дунёнинг ҳеч бир ерида топилган эмас. Айни пайтда археологлар суякларни қумдан тозалаш учун барча техник воситалардан фойдаланишни режалаштирмоқда. Олимлар яна 20 минг метр квадрат майдонни тадқиқ этиб чиқишлари лозим.

### "Раҳмат"ни дариғ тутманг

**КАЛИФОРНИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ НИКОҲНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ "СЕҲРЛИ" СЎЗНИ АНИҚЛАШДИ.**



Уларнинг фикрича, ўзаро хушмуомалалик, ҳатто, арзимас хизмат ёки яхшилик учун ҳам "раҳмат" айтиш оилавий муносабатларни янада мустаҳкамлаши мумкин. Бундай хулосага олимлар 15 ой давомида 50 нафар инсон томонидан тўлдириб борилган сўровнома орқали келишган. Энг қизиғи, ушбу сўровномалар орадан тўққиз ой ўтиб яна ўтказилади. Бироқ, бу сафар ҳам натижа аввалги хулосани берган. Сўралганларнинг деярли барчаси хушмуомалалик, бир-бирига эътиборли бўлиш эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларини янада мустаҳкамлайди, деган жавобни беришган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 11 декабрь № 000103 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган МЧЖ «MATBUOT MARKET» (ИНН 204743056) 1.04.2011 йил таъсисчиларининг 1-сонли баённомаси билан ўз фаолиятини тугатганлигини маълум қилади. Даъво аризалар икки ой муддат ичида қабул қилинади.
**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўча 2-уй.**
**Мурожаат учун телефон: 234-87-73**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 619, Адади — 8416. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Зафар МУҲАММАД
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714